



BIOKIMYO
AKSIYADORLIK JAMIYATI

**«BIOKIMYO» АЖ нинг 2020 йил учун молиявий хўжалик
фаолияти юзасидан ички аудит хизмати текшируви
бўйича Аудиторлик ҳисоботи**

1 КИРИШ ҚИСМ.....	3
1.1 ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР	3
2 ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ.....	4
2.1 БИЗНЕС-РЕЖА БАЖАРИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТҮФРИСИДАГИ ҲИСОБОТ	4
2.2 КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТҮФРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.....	5
2.3 КОРХОННИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ ҲИСОБОТИ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТҮФРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.....	6
2.3.1 <i>Товар моддий захиралари(ТМЗ) аудити.</i>	7
2.3.2 <i>Асосий воситалар Аудити.</i>	8
2.3.3 <i>Узоқ муддатли инвестициялар аудити</i>	8
2.3.4 <i>Касса ва касса операциялар аудити.</i>	9
2.3.5 <i>Банкдаги асосий ва бошқа ҳисобрақамлар аудити.</i>	9
2.3.6 <i>Ҳисоб-китоб-түлов тартиби аудити</i>	10
2.3.7 <i>Даромадлар хисоби аудити.</i>	12
2.3.8 <i>Харажатлар хисоби аудити.</i>	13
2.4 СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТҮЛОВЛАР ҲИСОБЛАНИШИ ВА ТҮЛANIШИ АУДИТИ.....	14
2.4.1 <i>Ақыз солиги</i>	14
2.4.2 <i>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.</i>	14
2.4.3 <i>Юридик шахслар мол-мулк солиги.</i>	15
2.4.4 <i>Ижтимоий солиқ ҳисоби аудити.</i>	16
2.4.5 <i>Жисмоний шахслардан даромад солиги хисоби аудити.</i>	16
2.4.6 <i>Күшилган қиймат солиги.</i>	17
2.4.7 <i>Юридик шахслар фойда солиги ҳисоби.</i>	17
2.5 МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПАЙТИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ.....	17
2.6 ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТҮФРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.	18
3 ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ	19
4 ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	19



1 КИРИШ ҚИСМ.

Биз ички аудит хизмат вакиллари, Холмирзаев А.А ва Баратов О.А. «КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТ ТҮФРИСИДА» ги Низом (кейинги ўринларда НИЗОМ) га асосан «BIOKIMYO» акционерлик жамияти (кейинги ўринларда ЖАМИЯТ) ички аудит текшируви натижаларини ўз ичига олган Низомнинг 12 банди талаблари доирасида 2020 йил учун ҳисобот тайёрладик.

Молиявий ҳисоботларни тайёрланиши ва ишончлилиги учун хўжалик юритувчи субъект раҳбари жавобгар, биз ҳисоботлар бўйича берилган хулоса юзасидан жавобгар ҳисобланамиз.

Куйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

-кузатувчи кенгаши ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

-ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ички аудит хизмати томонидан бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлар назорати шаклида аудит текшируви ўтказилди. Текширув натижаларига ҳисобот тайёрланди ва ҳисобот ўз мазмунига кўра куйилдаги қисмлардан иборат:

- 2020-йилга белгиланган бизнес режа амал қилиш кўрсаткичлари;
- Молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисоби ҳолати;
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши;
- Молиявий хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши;
- Ички назорат ҳолати.

Ички аудит ҳисоботи 2020-йил 1 январдан 31 декабрь оралиғидаги ҳисоб циклини ўз ичига олади. Текширув жараёнида тақдим қилинган хужжатлар хâқонийлиги, ҳақиқийлиги текширилмади. Текширувдан кейин кирим қилинган хужжатлар текширувдан четда қолган хужжатлар жавобгарлиги жамият ҳисоб раҳбарлари жавобгарлигига.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган даврда жамиятда биринчи ва иккинчи даражали имзо ҳуқуқида куйидаги шахслар ишлаб келмоқда:

Бошқарув раиси - Хайдаров У.А.

Бош ҳисобчи – Меметова К.А.

1.1 ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР.

«BIOKIMYO» АЖ (кейинги ўринларда «Жамият») Ўзбекистон Республикаси Мулк Қўмитаси Тошкент вилояти Бошқармасининг 1994 йил 30 майдаги 271 сонли ва 1995 йил 17 июльдаги 994 сонли буйруқларига мувофиқ Янгийўл БИОХИМ заводини қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган. Жамият ўз фаолиятини Тошкент вилояти худудида олиб боради.

Жамият амалдаги устави акциядорларнинг 2018 йил 26 июньдаги навбатдан ташқари йигилишида тасдиқланган. Унга кўра жамият устав фонди микдори 9 569 744 000 сўм, номинал қиймати 3350 (Уч минг уч юз эллик сўм) бўлган 2 856 640 дона акциядан иборат. Жамият акциядорлари таркиби:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги улуши 4 880 548 000 сўм(51%);
- Жисмоний ва бошқа юридик шахслар улуши 4 690 196 000 сўм(49%).

Жамият уставига кўра фаолиятининг асосий йўналиши куйидагилардан иборат:

- Озуқа ва техник спирт ишлаб чиқариши ва сотиш;
- Иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Микробиологик маҳсулот ва парфюмерия,косметика буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш.

Жамият юқоридаги асосий фаолият соҳасидан ташқари куйидаги қўшимча фаолият турлари билан ҳам шуғулланши мумкин:

- Курилиш монтаж ишлари ишга тушириш ва созлаш;



- Сервис хизмати ва маҳсулот харид қилиш;
- Биноларни, кўчмас ва кўчар мулкларни ижарага бериш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш.

Жамият жойлашган ери ва поча манзили: Ўзбекистон Республикаси, 112004 Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри, Кимёгар 1.

2 ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

2.1 БИЗНЕС-РЕЖА БАЖАРИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

Бизнес режа бажарилиши буйича ички аудит текшируви мақсади:

- Бизнес режа бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;
- унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни.

Жамият бизнес режаси 2020 йилдаги унинг асосий фаолияти мақсадларини амалга ошириш учун келтирилган кўрсаткичларидир. Жамият фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш ва дивиденд тўлаш учун етарли даражада активлар билан таъминланган.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотлар кўрсаткичлар аудит томонидан таҳлил қилинди ва бизнес режа бажарилиши бўйича текширув ўтказилди. Куйидаги жадвалда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бизнес режага нисбатан бажарилиши таҳлили келтирилган:

«BIOKIMYO» АЖНИНГ 2020-ЙИЛ УЧУН БИЗНЕС РЕЖА БАЖАРИЛИШИ ТАҲЛИЛИ (ишлаб чиқариш кўрсаткичлари)

№	Номлари	Ўлч. бир.	режада	Ҳақиқатда	Фарқлар	% бажарил
1	Товар (иш,хизматлар) улгуржи нархларда (ККС ва акцизиз)	млн сўм	168 810	173 812	5002	103.0
2	Тегишли йилдаги тегишли нархларда	млн сўм	168 810	192 867	24057	114.3
3	Истеъмол товарлари(арок ва вино маҳсулотларини билан бирга) ККСиз		4 850	6 236	1386	128.6
	<i>Саноат маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, натуран кўрсаткичларда</i>					
4	Спирт пишевой	минг дал	1 420.0	1 428.3	8	100.6
5	Спирт технич	минг дал	60.0	85.1	25	141.8
6	Пар технолог	минг Гкал	2.42	3.76	1.34	155.4
7	Газ бражение	минг тонна	2.4	2.7	0.34	114.2
8	Барда жидкая	минг тонна	153.2	153.69	1	100.3

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўрсатадики, бизнес режа ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақиқатда режа ортиғи билан бажарилган. Хусусан истеъмол спирт 2020 йил режага кўра 1420.0 минг дал кўрсатилган бўлса, ҳақиқатда 1428.3 минг дал ишлаб чиқарилган. Техник спирт ишлаб чиқариш режага кўра 60.0 минг дал кўрсатилган ҳолда, ҳақиқатда ушбу кўрсаткич 85.1 минг дални ташкил этган. Истеъмол спирти ишлаб чиқариш бизнес режага нисбатан 100.6 % бажарилган бўлса, техник спирт ишлаб чиқариш бизнес режаси 141.8% га бажарилган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ миқдорий кўрсаткичлардан барчаси режа доирасида бажарилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улгуржи нархлари кўрсаткичи 128.6% га бажарилган бўлиб, бизнес режада белгилangan норма 168810 млн сўм келтирилган ҳолда 192867 млн сўм ҳақиқатда бажарилган.

Бизнес режа молиявий кўрсаткичлари бажарилиши аудит қилинганда қуидагилар аниқланди.

**«BIOKIMYO» АЖНИНГ 2020-ЙИЛ БИЗНЕС РЕЖА БАЖАРИЛИШИ ТАҲЛИЛ
(МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР)**

№	Кўрсаткичлар	Ўлч. бир.	Режада	Ҳақиқатда	Фарқлар	% бажарилиши
1	Маҳсулот сотишдан тушум	млн сўм	214 050	240 316	26266	112.3
2	Акциз	млн сўм	17 320	17 893	573	103.3
3	Қўшилган қиймат солиги	млн сўм	27 920	30 795	2876	110.3
4	Сотишдан соф тушум	млн сўм	168 810	191 628	22817	113.5
5	Сотилган маҳсулот таннархи	млн сўм	138 208	152 765	14557	110.5
6	Ялпи тушум	млн сўм	30 602	38 862	8261	127.0
7	Давр харажатлари	млн сўм	12 959	15 549	2591	120.0
8	Сотиш харажатлари	млн сўм	218	261	43	119.5
9	Маъмурий харажатлар	млн сўм	4 308	2 861	-1447	66.4
10	Бошқа операцион харажатлар	млн сўм	8 432	12 427	3995	147.4
11	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	млн сўм	1 500	5 217	3717	347.8
12	Солик тўллагунга кадар фойда	млн сўм	18 120	28 081	9961	155.0
13	Фойда солиги	млн сўм	2 592	4 707	2116	181.6
14	Соф Фойда	млн сўм	15 528	23 374	7846	150.5

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга кўра соф фойда 150.5% миқдорда бажарилган, яъни режада 15528 млн сўм кўрсатилган ҳолда, ҳақиқатда ушбу кўрсаткичлар 23374 млн сўмни ташкил этган. Соф фойда ортишига сабаб, маҳсулот сотиш ҳажми кескин ортиши, давр харажатларининг соф фойдага нисбатан тўғри келадиган қисми камайиши ҳисобига шаклланган. Умумий равишда бизнес режа кўрсаткичлар бажарилишини ижобий баҳолиш мумкин. Бизнес режа кўрсаткичлари барча муҳим жабхалари бўйича ортиги билан бажарилган.

2.2 КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Аудит мақсади:

- корхона бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг қатнашчилари (акционер)нинг қонуний хукуқ ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;
- корпоратив бошқариш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йигилишлар ва корхона бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивиденdlар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар);

Корпоратив бошқарув принципларига риоя қилиниши аудитини ўтказишида жамият таъсис ҳужжатлари уларни бажарилиши бўйича ишлар текширилди. Жамият 2020 йил давомида ўз устави доирасида фаолият юритади. Жамият 2020 йил давомида кузатув кенгашини қўйидаги йигилиши ўтказилган:

- Кузатув кенгашининг 2020 йил 28 январдаги 10 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 18 февралдаги 11 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 28 марта даги 12 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 8 апрелдаги 13 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 29 апрелдаги 14 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 5 майдаги 15 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 30 майдаги 16 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 22 июньдаги 17 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 17 июльдаги 2 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 30 июльдаги 3 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 12 августдаги 4 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 5 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 21 сентябрь 6 сонли йигилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 30 сентябрь 7 сонли йигилиши;

- Кузатув кенгашининг 2020 йил 26 октябрь 8 сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 26 ноябрь 9 сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2020 йил 18 декабрь 10 сонли йиғилиши.

Кузатув кенгашининг 2020 йил 28 январидаги йиғилишида ички аудит хизмати 2020 йил учун сметаси, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш, 2020 йил учун аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танлаш масалари кўриб чиқилган. 2020 йил 18 февралдаги йиғилишда эса 2020 йил бўйича бизнес режа асосий кўрсаткичлар бажарилиши, 2020 йил бўйича якуний молиявий иқтисодий натижалар таҳлили корпоратив маслаҳатчисининг 2019 йил фаолияти ҳисоботи муҳокамага қўйилган. 2020 йил 1 яримийлликнинг сўнгги йиғилишида жамиятнинг ҳам жисмонан ҳам манан эскирган асосий воситаларин ҳисобдан чиқариб сотиш масаласи муҳокамага қўйилган. Шунингдек кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси миноритар қўмитаси таркибига номзодлар танлаш каби масалалар ушбу ўтказилган йиғилишларда муҳокама қилинган. 2020 йил 3 чорак мобайнода 2020 йил 1 яримийллик якунлари бўйича молиявий ҳисоботлар, 2016 2019 йиллар бўйича дивиденд тўланиши бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилинган. 2020 йил 4 чоракда ўтказилган кузатув кенгашининг йиғилишларида 2020 йил 9 ойлик якунлар бўйича бизнес режа бажарилиши, 2021 йил учун бизнес режаси мақуллаш, Жамият акциядорларининг талаб қилиб олинмаган ва даъво муддати тугаган дивидендларини жамият ихтиёрига қолдириш масалалари кўриб чиқилган.

Жамият бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорлар жамият муассислари ҳукуқ ва манфаатларига зид келмайди, корпоратив бошқарув принциплари бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

2.3 КОРХОНАНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ ҲИСОБОТИ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Аудит мақсади:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

аниқланган бухгалтерия ҳисботини юритиш ва молиявий ҳисботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи.

Аудит текшируви ўтказиша:

- Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботи тузилиши ва юритилиши таҳлили;
- Молиявий ҳисботлар тузилиши бўйича ишлар таҳлили;
- Бухгалтерия ва молиявий ҳисботларни тузишда конун ҳужжатларига риоя қилмаслик бўйича хатолар аниқлаш бўйича ишлар олиб борилди.

Жамият бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботларни тузиш тартиби жамият ҳисоб сиёсатида келтирилган ва ўз ичига куйидагиларни олади:

- Бухгалтерия ҳисобини юритиш учун керакли синтетик ва аналитик(таҳлилий) ҳисоб ва рақлар тўғрилиги ва тўлиқлиги;
- Бирламчи ва бухгалтерия ҳисботлари ҳужжат шакди;
- Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш тартиби
- Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш;
- Бухгалтерия ҳисботлари таркибий қисмларини баҳолаш;
- Ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усуллари ва ҳужжатлар айланмалари тартиби;
- Ҳўжалик операциялар назорати тартиби;
- Бухгалтерия ҳисобини юритишдаги бошқа қарорлар.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) № 1 “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот”(МВда 26.07.1998йил № 17-07/86 сон билан тасдиқланган АВда 14.08.1998 йилда №474 сон билан рўйхатга олинган) асосан “Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус тамойилларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди... Янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект танлаб олган ҳисоб сиёсатини ушбу бандга мувофиқ молиявий ҳисбот биринчи

марта эълон қилингунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс ҳукуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Субъект танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳукуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин бўлган сиёсат ҳисобланади.” Корхона ўзининг ҳисоб сиёсатига эга. Жамият ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисбот тузиш учун қабул қиласидан усувлар келтириб ўтилган. Жамиятда бухгалтерия ҳисоби 1С бухгалтерия дастурий таъминоти ёрдамида олиб борилади. Жамият ҳисоб сиёсати “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ва БХМС талабларига жавоб беради.

2.3.1 Товар моддий захиралари(ТМЗ) аудити.


Текширув натижасида:

- ТМЗлар бухгалтерия ҳисоби 1С дастурий таъминотида миқдор ва қиймат бирлигига юритилган. Омбордаги ТМЗлар харакати миқдор бирлигига юритилган.
- Ҳисбот даври боши ва охиридаги ТМЗ қолдиклари баланс(1-шакл ҳисбот) 150 сатрига мос келади.
- ТМЗлар кирими тегишли хужжатлар(счет фактура, ишончномалар) билан ўз вақтида амалга оширилади.
- Барча ТМЗ моддий жавобгарлик шартномалари тузилган ходимларга бириктирилган.
- Моддий қийматликлар чиқими бўйича комиссия белгиланши бўйича буйруқлар мавжуд. Омбордаги ТМЗлар тегишлиюқ хатларисиз ёки жамият раҳбари томонидан тасдиқланган чиқим далолатномаларисиз чиқим қилинмайди.

ТМЗлар харакати бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши танлаб текширилди. Ҳисоб таҳлилий қисми маълумотлари бош китоб билан мос келади.

минг сўм

Счет	Давр бошига қолдик	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр яқунига қолдик
10	12 383 605.29	374 702 123.36	370 499 627.65	16 586 101.00
10.10	10 723 441.58	366 984 538.33	362 788 269.96	14 919 709.95
10.20		58 449.60	58 449.60	
10.30	62 565.66	449 482.10	460 356.21	51 691.55
10.40	279 542.04	590 888.47	507 660.23	362 770.27
10.50	226 558.96	1 368 532.38	1 203 906.42	391 184.92
10.60	20 632.61	882 109.53	882 131.06	20 611.08
10.70		11 110.04	11 110.04	
10.80	282 404.67	685 217.19	734 122.73	233 499.13
10.90	788 459.76	3 671 795.72	3 853 621.39	606 634.10
15	12 182.04	49 185 447.53	45 883 035.75	3 314 593.82
15.10	12 182.04	255 108.49	254 376.62	12 913.90
15.20		48 930 339.04	45 628 659.13	3 301 679.92
16		2 042 265.73	1 976 021.53	66 244.20
16.10		2 042 265.73	1 976 021.53	66 244.20
20		164 365 326.46	164 365 326.46	
20.10		164 365 326.46	164 365 326.46	
21	1 453 473.97	132 579 089.58	131 832 784.89	2 199 778.66
21.10	227 926.39	7 255 746.37	7 102 470.37	381 202.40
21.20	1 225 547.58	125 323 343.20	124 730 314.52	1 818 576.26
23		148 103 007.01	148 103 007.01	
23.10		148 103 007.01	148 103 007.01	
25		747 150.46	747 150.46	
25.10		747 150.46	747 150.46	
27	18 144.57	438 201.58	431 386.95	24 959.20
27.10		64 407.39	64 407.39	
27.11	18 144.57	373 794.19	366 979.56	24 959.20
28	498 980.78	153 778 200.06	153 553 976.97	723 203.88
28.10	498 980.78	153 778 200.06	153 553 976.97	723 203.88



2.3.2 Асосий воситалар Аудити.

Асосий воситалар хисоби Ўзб.Р. АВда №1299сон билан рўйхатга олинган “Асосий Воситалар” 5-БХМС ва бошқа бухгалтерия хисоби қонун ҳужжатлари доирасида амалга оширилади.

5-сонли БХМС талабларига кўра асосий воситаларга куйидаги критерияларга жавоб берадиган мол мулклар киради:

- Хизмат муддати бир йилдан ортиқ;
- Кирим қиймати ҳар бири учун Ўз.Р. белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан ортган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатга олинган “1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низом” га мувофиқ асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш 1 январь ҳолати бўйича (1 февралгача) қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади. Жамиятда 2020 йил 1 январь ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган. Қайта баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Статистика Кўмитаси томонидан эълон қилинган коэффициентлар орқали амалга оширилган. Қайта баҳолаш бўйича фарқлар аниқланмади. Бухгалтерия хисобида асосий воситалар давр бошига, охирига хамда барча кирим ва чиқимлар куйидагича акс эттирилган:

минг сўм

Счет	Давр бошига қолдик	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдик
01	29 669 959.93	6 582 504.67	1 964 173.93	34 288 290.67
01.11	56 362.72	6 087.17		62 449.89
01.20	5 190 262.32	1 864 626.01	698 548.98	6 356 339.35
01.30	20 373 043.12	4 152 564.25	828 071.62	23 697 535.75
01.40	162 825.05	8 013.89	592.05	170 246.89
01.50	982 837.55	175 216.89	29 993.88	1 128 060.56
01.60	2 285 612.41	271 491.00	229 485.19	2 327 618.21
01.80	407 333.32	55 527.37	175 255.62	287 605.08
01.90	211 683.43	48 978.10	2 226.58	258 434.94

Асосий воситаларга эскириш Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексида келтирилган нормалардан ошмаган ҳолда корхона ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибда тўғри чизиқли усулда ҳисобланган.

Эскириш хисоблаш билан боғлиқ бухгалтерия хисоби қонун қоидаларнинг бузилиш холатлари аниқланмади.


минг сўм

Счет	Давр бошига қолдик	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдик
02	19 630 580.96	408 196.59	4 639 960.91	23 862 345.28
02.11	14 090.68		7 766.78	21 857.46
02.20	2 974 154.45	74 914.93	498 818.27	3 398 057.79
02.30	14 465 690.85	95 386.19	3 551 504.37	17 921 809.02
02.40	47 138.51		24 566.98	71 705.49
02.50	784 377.62		57 449.98	841 827.61
02.60	1 004 069.57	132 233.29	404 895.06	1 276 731.34
02.80	203 146.16	105 634.95	64 608.78	162 119.99
02.90	137 913.12	27.23	30 350.68	168 236.58

2.3.3 Узоқ муддатли инвестициялар аудити

Узоқ муддатли инвестициялар хисобида жамиятнинг бошқа ташкилотларга киритган инвестициялар юритилган.

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2020 ҳолатида	31.12.2020 ҳолатида
Кимматли қозголар (0610)	040	0.00	0.00
Шўъба ҳўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	0.00	0.00
карам ҳўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	0.00	0.00
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	070	0.00	0.00
Бошқа узок муддатли инвестициялар (0690)	080	433 898.00	433 898.00
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	0.00	0.00
Жами		433 898.00	433 898.00



31.12.2020. ҳолатида Баланс ва ҳисоб регистрлари солиштирма таҳлили

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомост	Баланс	Фарқ
Қимматли қоғозлар (0610)	040	0.00	0.00	0.00
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	0.00	0.00	0.00
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	0.00	0.00	0.00
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070	0.00	0.00	0.00
Бошқа узок муддатли инвестициялар (0690)	080	433 898.43	433 898.00	0.43
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	0.00	0.00	0.00
Жами		433 898.43	433 898.00	0.43

Узоқ муддатли инвестициялар ташкилотлар кесимида қуидагича (сўмда):

Ташкилот номлари	01 январь 2020	31 декабрь 2020
MChJ YANGIYOL MARVARIDI	300 000 000,00	300 000 000,00
MChJParkentKonsaltingTexnikServis	50 000 000,00	50 000 000,00
MChJ SINTEZ PROGRESS	83 898 434,07	83 898 434,07
Жами	433 898 434,07	433 898 434,07

2020 йил мобайнида узоқ муддатли инвестициялар таркибида ўзгаришлар амалга оширилмаган. 2020 йил 31 декабрь ҳолатида 433 898.0 минг сўм узоқ муддатли инвестициялар счетида акс эттирилган.

2.3.4 Касса ва касса операциялар аудити.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 22 июнъ 2015 йилда 2687-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш коидалари», БХМС 15, БХМС 22, пул маблағларини ҳисобга олиш тартибини белгиловчи бошқа меъёрий хужжатлар хизмат қиласди.

Корхонада нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун алоҳида хона мавжуд. Барча маблағлар тегишли тартибда жиҳозланган сейфда сақланади. Нақд пуллар кирими касса кирим ордерларига асосан, чиқими эса ведомостлар ва тегишли буйруклар ва бошқа тегишли хужжатлар илова қилинган касса чиқим ордерларига асосан амалга оширилади. Текшириш давомида касса дафтари бетланиб, тикилиб, муҳрлангани аниқланди. Кирим ва чиқим ордерлари тегишли тартибда расмийлаштирилган, чек дафтарчаси тўлдирилган.

Кирим қилинган пул маблағлари ҳисобрақамдан иш хақи ва унга тенглаштирилган ҳисоблашлар, уруғ чиқиндиларни сотишдан тушум, буғ иситиш тизимидан фойдаланганлик учун жисмоний шахслар тўловлари, қишлоқ хўжалик(картошка) ва бошқа маҳсулотлари(товук) сотишдан тушум манбалари ҳисобига шаклланган.

2.3.5 Банкдаги асосий ва бошқа ҳисобрақамлар аудити.

Ҳисобрақамлар бўйича операциялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2013 йил 3 июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ” асосида амалга оширилган.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2020 йил 1 январ ва 31 декабрь ҳолатида пул маблағлари қолдиқлари қуидагича бўлган:

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2020 ҳолатида	31.12.2020 ҳолатида
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	2 690 246.00	8 433 226.00
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	0.00	2 503 638.00
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	2 099.00	20 653.00
Жами		2 692 345.00	10 957 517.00

Пул маблағларининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарк
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00	0
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	8 433 226.25	8 433 226.00	0
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	2 503 638.14	2 503 638.00	0
Бошка пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5700)	360	20 653.01	20 653.00	0
Жами		10 957 517.41	10 957 517.00	0

Жамиятнинг бир неча ҳисобрақамлари мавжуд бўлиб, хусусан пенсия нафақалар ҳисоб китобларни амалга ошириш учун пенсия ҳисобрақамига ҳам эга. Аудитга тақдим қилинган барча банк кўчирмалари ойлик асосда алоҳида папкаларда хронологик тарзда тикилган ва барча операциялар бўйича тасдиқловчи дастлабки хужжатлар – счет фактура, бажарилган ишлар ҳакида далолатномалар бор ва мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб китоб хужжатларида жамият раҳбариятининг тасдиқлари қўйилган. Банк счети операциялари танлов асосида текширилди. Барча банк кўчирмалари бирламчи хужжатлар билан бирга регистрларда акс этган. Кўчирмалардаги қолдиқ бухгалтерия ҳисоби ва хисоботларидағи қолдиқлар билан мос келади. Банк муомалалари аудитида жиддий хато ва камчиликларга дуч келинмади.

Валюта ҳисобварақ қолдиқлари ҳар ойда тўғридан тўғри қайта баҳолаш орқали қайта баҳоланганди.

2.3.6 Ҳисоб-китоб-тўлов тартиби аудити

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилиши учун раҳбарларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг меъёрий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошка меъёрий хужжатлар хизмат қиласи.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2020 йил 1 январ ва 31 декабрь ҳолатида дебитор қарзлар қолдиқлари қўйидагида бўлган:

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2020 ҳолатида	31.12.2020 ҳолатида
Харидор ва буюртмачиларнинг карзи (4000 дан 4900 нинг айрмаси)	220	78 616	2 024
Ажратилган бўлинмаларнинг карзи (4110)	230	0	0
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг карзи (4120)	240	0	0
Ходимларга берилган бўнаклар (4200)	250	707	26 293
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	260	6 321 151	3 912 103
Бюджетга солик ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	270	1 911 255	264 944
Максадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280	51	0
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	0	0
Ходимларнинг бошка операциялар бўйича қарзи (4700)	300	523 800	354 117
Бошка дебиторлик қарзлари (4800)	310	2 770 780	129 835
Жами		11 606 360	4 689 316

Дебитор қарзларнинг бухгалтерия счетлари кесимида таҳлили:

минг сўм

Счет	Давр бошига қолдик	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунинга қолдик
40	78 615.91	244 665 672.47	244 742 264.71	2 023.67
40.10	78 615.91	236 165 546.28	236 242 138.52	2 023.67
40.10.1	78 615.91	236 165 546.28	236 242 138.52	2 023.67
40.30		6 174 796.52	6 174 796.52	
40.40		2 325 329.67	2 325 329.67	
42	706.76	17 542 677.08	17 517 090.69	26 293.15
42.10	706.76	17 469 648.34	17 445 061.95	25 293.15
42.20		73 028.74	72 028.74	1 000.00
43	6 321 150.96	273 203 273.22	275 612 321.59	3 912 102.59

43.10	4 875 139.88	258 298 703.12	261 107 009.17	2 066 833.83
43.11		84 180.68	84 180.68	
43.12	1 446 011.07	14 396 121.17	14 419 492.92	1 422 639.32
43.40		424 268.25	1 638.82	422 629.44
44	1 911 255.12	56 429 869.28	58 076 180.80	264 943.59
44.08	1 732 959.20	29 833 045.60	31 566 004.80	
44.10		100 676.21	100 676.21	
44.11		650 193.58	650 193.58	
44.25	50 973.49	940 740.68	745 286.79	246 427.38
44.28		255 745.87	237 229.66	18 516.21
44.30		17 892 902.41	17 892 902.41	
44.34		2 171.09	2 171.09	
44.50	949.41	2 399 491.39	2 400 440.80	
44.90	126 373.01	4 354 902.45	4 481 275.47	
45	50.77	2 484 851.67	2 484 902.45	
45.15		23 676.44	23 676.44	
45.16		1 134.74	1 134.74	
45.21		2 438 927.66	2 438 927.66	
45.26		21 112.84	21 112.84	
45.29	50.77		50.77	
47	523 800.00	10 005.37	179 688.17	354 117.20
47.20	523 800.00		169 682.80	354 117.20
47.30		10 005.37	10 005.37	
48	2 770 779.84	23 658 450.64	26 299 395.21	129 835.27
48.20	2 008.62	374 091.50	358 537.99	17 562.13
48.60	1 175 169.43	6 200 645.12	7 370 507.15	5 307.40
48.90	1 560 489.12	15 924 104.41	17 378 872.23	105 721.30
48.95	4 933.26	1 061 645.05	1 065 452.00	1 126.32
48.99	28 179.40	97 964.55	126 025.84	118.11


Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2020 йил 1 январ ва 31 декабрь ҳолатида кредитор қарзлар қолдиқлари қуидагича бўлган:

минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2020	31.12.2020 ҳолатида
		ҳолатида	
